

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБИПОВА ГУЛЬМИРА САЛАВАТДИНОВНА**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**  
**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
economics scienses**

**Абилова Гульмира Салаватдиновна**

Акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш

самарадорлигини ошириш ..... 5

**Абилова Гульмира Салаватдиновна**

Повышения эффективности управления затратами

акционерных обществ ..... 29

**Abipova Gulmira Salavatdinovna**

Increasing the efficiency of joint-stock companies cost

managment ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБИПОВА ГУЛЬМИРА САЛАВАТДИНОВНА**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**  
**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Iqt446 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зайнутдинов Шавкат Нуриддинович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ташмуродова Бувсара Эгамовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Маманазаров Ойбек Шомурадович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, и.ф.д., профессор

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни кенгайтиришнинг ҳозирги шароитида рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмининг кўпайишида акциядорлик жамиятларининг улуши салмоқли ҳисобланади. Шу билан бирга, маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини самарали бошқаришда стратегик ёндашувга эътиборнинг кучайиши жаҳон бозорини эгаллаш имконини яратиб бермоқда. Хусусан, «2019 йил жаҳоннинг фармацевтика бозори ҳажми 1,3 трлн. доллар, яъни 8 фоизга ошган ҳолда, харажатлар ҳажми 1218,5 млрд. доллар, яъни 4 фоизга кўпайган. Шундан 81,6 млрд. доллар Johnson&Johnson, 55,7 млрд. доллар Roche, 53,7 млрд. доллар Pfizer корпорациялари улушига тўғри келади»<sup>1</sup>. Бу эса акциядорлик жамиятлари харажатларини самарали бошқаришга бўлган талабни кучайтиради.

Жаҳонда акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари, жумладан, рақобат муҳити шароитида унинг илмий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш, харажатларни бошқаришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш, маҳсулот таннархини пасайтиришга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, маҳсулот таннархини ҳисоблашда харажатлар таснифланишини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида акциядорлик жамиятлари бошқарув жараёнларини оптималлаштириш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш, харажатларни бошқариш механизмини такомиллаштириш, бошқариш жараёнида иқтисодий-математик моделлаштиришнинг замонавий усулларини қўллаш, харажатларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, маҳсулот таннархини пасайтириш, юридик шахсларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, давлат улуши мавжуд жамиятларда бошқарув самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, маҳсулотлар экспорт ва импортини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали sanoатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>2</sup> бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси Ўзбекистон акциядорлик жамиятларининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда

<sup>1</sup> www.remedium.ru сайти таҳлиллари маълумотлари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. – www.lex.uz.

харажатларни бошқариш тизимида замонавий менежмент усуллари жорий этишни ривожлантириш орқали акциядорлик жамиятлари харажатларини самарали бошқариш, ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 7 ноябрдаги ПҚ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги 63-сон «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Акциядорлик жамиятлари фаолиятини ва харажатларини бошқариш муаммолари П.Друкер, Дж.Шанк, В.Говиндараджан, Т.Танака, Ҳ.Монден, К.Намада, Р.Нансен, М.Моуэн, А.С.Литтлтон, Р.Е.Фриман каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган<sup>3</sup>.

МДҲ олимларидан М.А.Вахрушина, Н.В.Миляков, С.П.Бараненко, Э.А.Гомонко, Т.Ф.Тарасова, И.А.Бланк, А.Н.Асаул, Е.И.Рубинштейн, С.В.Амелин, И.А.Сынков, Ю.Н.Лапыгин, Н.Г.Прохорова, М.М.Глазов, С.Ю.Черникова каби олим ва мутахассисларнинг илмий асарларида акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Drucker P.F. The effective decision. Harvard Business Review, January /February 1967. Volume 45, Issue1, pp 92-98.; Дж.Шанк, В.Говиндараджан. Стратегическое управление затратами: Пер. с англ. – СПб.: Бизнес-Микро, 1999. – 278 с.; Tanaka T. «Target costing at Toyota», Journal of Cost Management, Vol. 7 No.1, Spring, 1993.; Monden Y., Hamada K. Target Costing and Kaizen Costing in Japanese Automobile Companies Journal of Management Accounting Research. №3, 1991.; R.Hansen, M.Mowen Cost Management: Ohio: 2009. Littleton A.C. Accounting evolution to 1900. N.Y.1933.; Freeman R.E. Strategic Management: a Stakeholder Approach, Cambridge University Press. 2010.

<sup>4</sup> Вахрушина М.А. Стратегический управленческий учет. – М., 2010.; Миляков Н.В. Финансы. – М., 2004. – 543с.; Бараненко С.П. Корпоративный менеджмент. – М., 2010.; Гомонко Э.А., Тарасова Т.Ф. Управление затратами на

Ўзбекистонлик олимлардан С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахманов, М.Л.Турсунходжаев, Ш.Н.Зайнутдинов, Т.Ш.Шадиев, Д.Н.Рахимова, Н.Қ.Юлдашев, Д.С.Қосимова, А.А.Фаттахов, Д.С.Насирходжаева, С.Н.Юлдашев, Р.И.Нуримбетов, Р.Карлибаева, Г.Умароваларнинг илмий тадқиқот ишларида акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш масалалари ўрганилган<sup>5</sup>.

Шунга қарамадан, бозор муносабатлари шароитида акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш масаласи етарли даражада тадқиқ қилинмаган бўлиб, ушбу диссертация ишида мазкур муаммонинг илмий услубий жиҳатларига кенгроқ эътибор қаратилган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Қорақалпоқ давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-1-77. «Шимолий Орол бўйи минтақасининг экологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмида ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг минтақавий стратегиясини ишлаб чиқиш» (2013-2023 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатларини ривожлантириш;

акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш жараёнига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

акциядорлик жамиятларида фаол инвестиция ва рақобатни кучайтириш орқали сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўллари белгилаш;

---

предприятия. – Москва, 2016.; Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. – М., 2008.; Асаул А.Н., Квицина М.Г. Управление затратами и контролинг. – Сухум, 2013.; Рубинштейн Е.И. Управление затратами. – Сургут, 2004.; Амелин С.В., Сынков И.А. Информационное обеспечение процесса управления затратами // Инвестрегион. – №3, 2011.; Лапыгин Ю.Н., Н.Г.Прохорова. Стратегическое управление затратами. Владимир. 2005.; Глазов М.М., Черникова С.Ю. Управление затратами: новые подходы. – Санкт-Петербург. 2009.

<sup>5</sup> Ғуломов С.С. Правовые проблемы корпоративного управления: теория и практика. Монография. – Т.: 2004. – 271с.; Abdurakhmanov K., Zokirova N. Human development/ Textbook/-Nordestedt/ 2014.; Турсунходжаев М.Л., Зайнутдинов Ш.Н., Тухлиев И.С. Производственный менеджмент. – Т.: Иқтисод-молия, 2006. - 240 с.; Зайнутдинов Ш.Н. Корпоратив бошқарув асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 260 б.; Қаюмова Н.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти. Иқт. фанл. докт. дисс. – Т., 2012. – 317 б. ил.; Шадиев Т.Ш. Как готовятся конкурентоспособные специалисты в вузах Великобритании? / Т.Ш.Шадиев, З.Эрматов, Б.Кушимов. Под ред. Гулямова. С.С. – Т., 2005. – 116 с.; Рахимова Д.Н. Управление процессами развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. – Т., 2000. – 225 с.; Юлдашев Н.К., Болтабоев М.Р., Рихсимбоев О.К., Ганиев Б.О. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2003. – 102 б.; Насырходжаева Д.С. Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках: Автореф. дисс. докт. экон. Наук. – Т.: АН РУз Институт экономики, 2011. – 47 с.; Касимова Д.С. Пути взаимодействия субъектов рынка труда: работник-работодатель // Иқтисодиёт ва таълим. – 2011. – 6. – С. 22-25.; Юлдашев С.Н. Акциядорлик жамиятларида давлат мулкни бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари: и.ф.н. диссертацияси. – Т.: ТДИУ, 2010. – 167 б.; Нуримбетов Р. Бошқариш самарадорлигини баҳолаш // Жамият ва бошқарув. – 2010. – 4. – 67–68-б.; Карлибаева Р. ва б. Корпоратив молия. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. – 260 б.; Умарова Г. Енгил саноат тармоғида инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш йўллари: и.ф.н ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2011. – 21 б.

акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш усуллари аниқлаш;

акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқариш амалдаги механизмнинг самарадорлигини таҳлил этиш;

акциядорлик жамиятларида харажатларни пасайтириш жараёнларини иқтисодий-математик жиҳатдан моделлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Қорақалпоғистон Республикаси фармацевтика тармоғи акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқариш самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқариш самарадорлигини ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, бошқарув қарорларини қабул қилишга ёндашув, статистик гуруҳлаш, математик-моделлаштириш, таснифлаш, SWOT-таҳлил усуллари кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларида харажатлар самарадорлигини баҳолаш усули корхона менежменти, инвесторлари ҳамда персонаlining манфаатдорлиги ва иқтисодий фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятларида харажатларни самарали бошқаришнинг ташкилий механизми рақобат муҳитидаги жорий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда таркибий қисмлардаги таъсир самарасини ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятлари харажатлари ва молиявий ресурсларини оптималлаштириш модели шартларни реал шарт-шароит ва ҳолатга максимал даражада яқинлаштириш имконини берувчи усулни қўллаш асосида такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш бошқарув фаолияти харажатлари ҳажми ва харажатларни бошқариш жараёнини оператив, тактик ва стратегик режалаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларининг асосий фаолият кўрсаткичлари хусусий капитал, сотув, нарх, активлар, ходимлар, инвестиция, ишлаб чиқариш рентабеллигини кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда, харажатларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш орқали активлар айланиши тезлигини ошириш йўллари асосланган;

акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқаришнинг бозор иқтисодиётига хос ташкилий механизми харажатларни самарадорлигини унга таъсир қилувчи омиллар натижасида ўзгаришини ўз вақтида назорат қилиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бериши аниқланган;



акциядорлик жамиятларида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ва ҳажмини режалаштириш прогнози харажатларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда ахборот таъминоти сифатида хизмат қилиши асосланган;

акциядорлик жамиятлари харажатларини самарали бошқаришнинг тўғри ташкил қилиниши ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини оширишга ва активларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга имконият яратиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг стратегик бошқарувни ривожлантириш бўйича илмий-услубий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, «Қорақалпоқбойан» АЖ расмий манбаларидан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқаришнинг назарий жиҳатларини ривожлантириш, харажатларни бошқаришни самарали амалга ошириш, харажатларни бошқаришда замонавий ахборот тизимларидан фойдаланиш, харажатларни ҳисобга олишда жаҳон тажрибасини қўллаш, маҳсулот таннархига таъсир қилувчи соҳага хос омиллар, харажатларни пасайтиришда рақобат муҳитини шакллантириш ва маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти, харажатларни бошқариш жараёни механизмнинг яратилганлиги, келажак истиқболни башорат қилишда харажатлар кўрсаткичларини моделлаштириш, самарадорликни аниқловчи баҳолаш усуллари ва стратегиясининг асослаб берилиши харажатларни стратегик бошқариш самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асосларини бойитишга хизмат қилиши орали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мамлакатдаги бошқа акциядорлик жамиятлари ҳамда турли мулк шаклидаги корхоналарнинг харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишда, фармацевтика саноатининг истиқбол кўрсаткичларини асослашда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Корхоналарида инновацион-инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини оширишга асосланган фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар келгусида тармоқни янада ривожлантиришга ва олий таълим муассасалари талабаларига «Менежмент», «Стратегик менежмент», «Молиявий менежмент» каби фанларни ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланмалар яратишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишни илмий-услубий жиҳатларига қаратилган таклифлар асосида:

акциядорлик жамиятларида харажатлар самарадорлигини баҳолаш усули корхона менежменти, инвесторлари ҳамда персоналининг манфаатдорлиги ва

иктисодий фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичларни киритиш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Қорақалпоқбойн» АЖнинг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Қорақалпоқбойн» АЖнинг 2019 йил 20 апрелдаги 35/04-сонли маълумотномаси). Натижада 2018 йилда акциядорлик жамиятининг рентабеллик кўрсаткичи 5,4% га, хусусий капитал рентабеллиги 1,71%га, сотув рентабеллиги 4,13%га, инвестиция рентабеллиги 9,99%га, ишлаб чиқариш рентабеллиги 24,3%га ошган, бу эса акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш ҳажмининг 7%га кўпайишига, маҳсулотлар таннархининг 5%га пасайтирилишига хизмат қилган;

акциядорлик жамиятларида харажатларни самарали бошқаришнинг ташкилий механизми рақобат муҳитидаги жорий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда таркибий қисмлардаги таъсир самарасини ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилиши бўйича таклифлари «Қорақалпоқбойн» АЖнинг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Қорақалпоқбойн» АЖнинг 2019 йил 20 апрелдаги 35/04-сонли маълумотномаси). Натижада акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши, маҳсулот таннархининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини тартибга солиниши, мақсадли таннархга эришишда харажатларнинг режа ва ҳақиқий меъёрларини назорат қилиниши акциядорлик жамияти активларининг иктисодий самарадорлигини 17,7% ошишини таъминлаган;

акциядорлик жамиятлари харажатлари ва молиявий ресурсларини оптималлаштириш модели шартларни реал шарт-шароит ва ҳолатга максимал даражада яқинлаштириш имконини берувчи усулни қўллаш асосида такомиллаштириш модели «Қорақалпоқбойн» АЖнинг ишлаб чиқариш фаолиятини прогнозлаш жараёнига жорий этилган («Қорақалпоқбойн» АЖнинг 2019 йил 20 апрелдаги 35/04-сон маълумотномаси). Натижада акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш харажатларни оптимал вариантини прогноз қилиш имкони ишлаб чиқилган;

бошқарув фаолияти харажатлари ҳажми ва харажатларни бошқариш жараёнини оператив, тактик ва стратегик режалаштириш асосида акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш усули «Қорақалпоқбойн» АЖнинг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Қорақалпоқбойн» АЖнинг 2019 йил 20 апрелдаги 35/04-сонли маълумотномаси). Натижада акциядорлик жамиятининг маҳсулот ҳажми 7% га, соф фойда миқдори эса 10% га, меҳнат унумдорлиги 29%га ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқаришнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқаришнинг назарий ва иқтисодий жиҳатларини ривожлантириш тадқиқ этилиб, харажатларни бошқаришнинг моҳияти ва мазмуни очиқ берилган. Шунингдек, харажатларни бошқаришнинг аҳамияти замонавий усуллар доирасида асосланган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар ўз фаолияти самарадорлигини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш мақсадида янги ривожланиш механизмини яратишга ҳаракат қилади. Бундай механизмлардан бири эса менежмент тизими ҳисобланиб, бунда эътибор сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришда нафақат техник-ташкилий масалаларга, балки маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар таркибини таҳлил қилишнинг зарурлигини ифодалайди. Миллий иқтисодиётимизда салмоқли ўрин эгаллаган акциядорлик жамиятларида ҳам шу муаммолар мавжуд, улар юқоридаги усулдан фойдаланишлари учун эса харажатларни самарали бошқаришнинг назарий ва методологик асосларини ўрганиш ва ривожлантириш зарур.

Жаҳон тадқиқот тажрибасида менежмент методологияси кўп ўрганилган бўлиб, бунга йирик олимлар ўз ҳиссаларини қўшган. Масалан, Ф.Тейлор, Г.Эмерсон, А.Файол, Э.Мэйо, Г.Саймон ва бошқалар менежмент назарияси ва амалиётига ҳисса қўшган бўлсалар, харажатларни бошқариш методологиясини ўрганган олимлар, айниқса маҳаллий миқёсда жуда кам.

Харажатларни бошқариш методологиясини ўрганиш ва ривожлантириш икки жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Биринчиси харажатлар назариясини ўрганиш ва уни замонавий талабларга мослаштириш бўлса, иккинчиси, уни бевосита менежмент илми билан уйғунлашувини таъминлаш ҳисобланилади. Унинг усуллари, услублари ва функцияларини ривожлантиришни ҳисобга олиш амалиёт учун фойдали бўлади.

Харажатлар бўйича изланишлар олиб борган олимлар уларни самарали бошқариш учун таснифлашга аҳамият беришни таклиф қилади. Келгуси давр режаларини тузишдан олдин харажатлар таснифланишини аниқ билиб олиш зарур. Қабул қилинган харажатлар гуруҳланишига харажатлар ҳажми ва фойдага оид бошқарув қарорларининг самарадорлиги билан боғлиқ кўпчилик саволлар ҳал қилинади. Иқтисодий шароитларнинг ўзгариши билан харажатлар турлари янгиланиб, кўпайиб бормоқда харажатларнинг таркиби ва таснифланишини шу шароитларга мослаб янгилаб бориш зарур (1-расм).



**1-расм. Акциядорлик жамиятлари харажатларининг таснифланиши<sup>6</sup>**

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида мулкчиликнинг акциядорлик жамиятлари шакли ўзида мулкдорлар ва харидорлар манфаатини мужассамлаштирган ҳолда фаолият олиб бориши билан иқтисодий барқарор ва келажак корхоналари сифатида тан олиниб келинмоқда. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари асосан саноат соҳасида ташкил қилиниб, бу шу соҳадаги жами корхоналарнинг 1%ини ҳам ташкил қилмайди, аммо мамлакатимиздаги саноат соҳаси экспорт ҳажмининг 20%ини ўзига олади.<sup>7</sup>

Фикримизча, юқоридаги олимларнинг харажатларни бошқариш бўйича таърифларини илмий таҳлил этган ҳолда, қуйидаги таърифни шакллантириш мумкин «акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш – харажатлар рентабеллигига эришиш ва харажатларнинг пасайишига интилиш жараёни». Кенг маънода харажатларни бошқаришнинг моҳияти акциядорлик жамиятлари ресурсларининг қаерда, қачон ва қанча миқдорда сарфланишини билиш, қаерда, нима учун ва қанча миқдорда қўшимча молиявий ресурсларнинг зарурлигини прогноз қила олиш, фойдаланиладиган ресурслардан максимал фойда олишни билиш, қисқача айтадиган бўлсак, иқтисод қилишни ва максимал фойда олишни билиш маҳоратидир.

Харажатларни бошқариш концепциясини асосий моҳияти – акциядорлик жамиятларида таннархни пасайтириб, фойдани оширишдир.

Муқобил харажатлар ёки имкониятларни ўтказиб юбориш натижасидаги харажатлар концепцияси барча молиявий қарорлар альтернатив харажатларни солиштириш натижасида қабул қилинишига асосланади ва ҳар қандай бошқарув қарорларини амалий реализациялаш қайсидир муқобил вариантларни инкор қилишга олиб келади.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

Трансакцион харажатлар концепцияси XX асрнинг 30-йилларида юзага келган. 60-70-йилларга келиб АҚШ ва Европада ривожлантирилган.

Трансакцион харажатларга маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, музокара олиб бориш, қарор қабул қилиш, контрактларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича харажатлар киритилади.

ABC концепцияси қўшимча харажатларни фаолият турига қараб ҳисобга олиш ва таҳлил қилишни шакллантиради. Қўшимча харажатларни тақсимлашнинг анъанавий варианты бухгалтерия ҳисобида амалга оширилади. Концепциянинг асосини эскирган бухгалтерия ҳисобида шакллантирилган харажатлар эмас, балки ҳақиқий кўрсаткичлар асосида ҳисобланган товар, хизматларнинг реал таннархи ташкил қилади.

Концепциянинг ижобий томони харажатларни бошқарув ҳисоби ва таҳлилида корхона стратегик ривожланиш маълумотларини инобатга олиш билан ифодаланди.

Замонавий компьютер технологиялардан фойдаланишга асосланган, ишлаб чиқариш ресурсларини бошқаришнинг замонавий усулларида бири – ERP тизими ҳисобланади.

ERP - (Enterprise Resource Planning – корхона ресурсларини бошқариш) – бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида харидорлар буюртмаси бўйича сотувни, ишлаб чиқаришни, сотиб олишни ва ҳисоблашни амалга оширишда зарур корхонанинг барча ресурсларини самарали режалаштириш ва бошқариш усули. Ушбу усул доирасида ҳаракатланувчи ахборот тизими – ERP синфи тизими деб номланади.

Тадқиқотимиздан келиб чиққан ҳолда харажатларни тўғри бошқариш ўз навбатида корхона самарадорлигини ошириш ва захирасини мустаҳкамкамлашни яратади, шу мақсадда олиб борилган изланишлар натижасида, харажатларни бир нечта бошқариш усуллари мавжудлиги аниқланди. Ҳозирги кунга қадар харажатларни бошқаришнинг жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда «Стандарт-кост», «Директ-костинг», «Таргет-костинг», «Кайзен», «ABC», функционал ва корпоратив бошқарув каби усуллар самарали фойдаланилиб келинмоқда.

«Таргет-костинг» тизимидан кўп йилдирки ишлаб чиқариш корхоналарида, айниқса, маҳсулотнинг янги тури ва модели ривожлантириладиган инновацион соҳаларда фойдаланилади. Маркетинг тадқиқотлари ёрдамида маҳсулотнинг бозордаги баҳоси аниқланади, фойда миқдори белгиланади ва маҳсулот таннархининг максимал хажми аниқланади. Буни қуйидаги формула ёрдамида акс эттириш мумкин:

**Фойда = Нарх – Таннарх** – анъанавий кўринишда.

**Нарх – Фойда = Таннарх** – «Таргет-костинг» тизими бўйича.

Харажатларни бошқаришнинг замонавий усуллари турлича бўлиб ва улар менежердан тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда харажатларга эътиборни кучайтириш керак эканлигини, акс ҳолда корхона фойдаси, қабул қилинадиган қарорларга салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Тўғри, бу усулларни қайси бирини амалиётга жорий қилиш бўйича қарор қабул қилиш корхона менежерларининг билимига ва касбий маҳоратига боғлиқ.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикаси фармацевтика саноати акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқаришнинг иқтисодий таҳлили» деб номланган иккинчи бобида асосан фармацевтика акциядорлик жамиятларида харажатларни бошқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари, маҳсулот таннархига таъсир этувчи омиллар, ишлаб чиқариш харажатларини бошқаришда рақобат муҳитини шакллантириш, акциядорлик жамиятларида бошқариш механизми ва бошқа кўрсаткичлар асосида таҳлиллар ўтказилган (1-жадвал).

1-жадвал

«Қорақалпоқбойн» АЖнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси<sup>8</sup>


Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар					2018 й.да 2017 й.га нисбатан, %
		2014	2015	2016	2017	2018	
Сотилган маҳсулот ҳажми	млн. сўм	4219	3938	4028	3878	5213	134
Тайёр маҳсулот	тн	1830	1717	1692	1862	2000	107
Ишлаб чиқариш таннархи	млн. сўм	1854	1822	2214	2316	2203	95
Асосий фаолиятнинг давр харажатлари	млн. сўм	1870	1996	1841	1538	1458	95
Экспорт ҳажми	тн	1329	1078	359	395	1256	318
Ишчилар сони	киши	197	204	230	234	195	83
Иш ҳақи фонди	млн. сўм	1365	1668	2128	2003	1845	92
Ўртача ойлик иш ҳақи	млн. сўм	693	680	771	713	946	133
Соф фойда (зарар)	млн. сўм	110	116	112	109	120	110
Валюта тушуми	минг. долл	1738	1459	462	356	1268	356
Рентабеллик	%	5,9	6,4	5,1	4,7	5,4	116
Меҳнат унумдорлиги	тн/киши	9,3	8,4	7,4	8,0	10,3	129

Келтирилган 1-жадвал бўйича «Қорақалпоқбойн» АЖнинг 2014-2018 йиллардаги молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, сотилган маҳсулот ҳажми 2018 йил 2017 йилга нисбатан 34%га, соф фойда 10%га, меҳнат унумдорлиги 29%га ошганини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб маҳсулотнинг экспорт ҳажми ошиб, валюта тушуми 1268 минг долларга етгани билан изоҳланади. Шу билан бирга маҳсулотнинг таннархи 5% га тушганлигини бунга сабаб иш ҳақи фондининг 8% га пасайтирилганлиги ва ишчилар сонини камайганлиги натижаси ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг иқтисодий кўрсаткичлари қаторида маҳсулот таннархи кўрсаткичи ҳам катта ўрин эгаллайди. Акциядорлик жамият харажатлари мажмуаси маҳсулот таннархи кўрсаткичида ўз ифодасини топар экан, демак харажатларни бошқаришни такомиллаштириш учун ушбу кўрсаткичнинг динамикасига таъсир қилувчи омилларни ўрганиб чиқиш лозим.

<sup>8</sup> «Қорақалпоқбойн» АЖнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари.

Бундан келиб чикиб, мазкур иқтисодий кўрсаткичга таъсир қилувчи омиллар бўйича изланишлар олиб бориш катта аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз (2-расм).



2-расм. Маҳсулот таннархига таъсир қилувчи омилларнинг таснифланиши<sup>9</sup>

Тадқиқотларда кўрсатилгандек, асосий маҳсулот таннархига таъсир қилувчи омиллардан бири унинг таркибини ташкил қилувчи харажатлар элементларининг ўзгариши ҳисобланади. Ана шу омиллар таъсирини «Қорақалпоқбойан» АЖдаги ишлаб чиқариш харажатлари таркиби динамикаси орқали таҳлил қилиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

«Қорақалпоқбойан» АЖнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси, минг сўм<sup>10</sup>

№	Кўрсаткич номи	2014	2015	2016	2017	2018
1	Иш ҳақи	752040	757948	1142282	1132930	1057440
2	Ягона ижтимоий тўлов	188010	189845	285565	283585	264360
3	Амортизация	48361	68442	81422	118022	110150
4	Сафар харажатлари	18139	35056	15057	30631	24233
5	Ёқилғи-мойлаш материаллари	514738	553538	520249	472366	484660
6	Суюлтирилган газ		3344	5402	5653	8812
7	Хом ашё	24681	21064	48317	46158	66090
8	Бутловчи харажатлар	224045	182209	108518	215808	176240
9	Электр энергия харажатлари	4078	9639	7428	11336	11015
	<b>Жами</b>	<b>1854092</b>	<b>1822074</b>	<b>2214240</b>	<b>2316489</b>	<b>2203000</b>

Жадвал бўйича 2014-2018 йилларда ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми 2015-2016 йилларда пасайганининг асосий сабаби сифатида иш ҳақи фондининг пасайишини кўрсатиш мумкин. 2017-2018 йилларда иш ҳақи, амортизация, хом ашё нархларининг кўтарилиши таъсирида ишлаб чиқариш харажатлари ошган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 2014-2018 йиллар давомида амортизация ажратмалари 2,5 баробарга ошган.


<sup>9</sup> Манба: www.finlit.online интернет сайти.

<sup>10</sup> «Қорақалпоқбойан» АЖ молиявий ҳисоботи маълумотлари.

Ҳозирда қўшилган қиймат солиғи омилига катта аҳамият берилади, чунки у ҳам харажатлар турига кириб, таннархнинг ошишига олиб келади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларини ривожлантириш борасида янги солиқ концепцияси ишлаб чиқилди ва Президентимизнинг махсус қарори қабул қилинди. Эндиликда Ўзбекистон корхоналарининг йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун оборотдан (тушумдан) солиқни 4 фоиз миқдордаги базавий ставкадан келиб чиқиб ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ҳамда қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлаш имконияти берилди<sup>11</sup>.

Экспорт ва импортдаги тўсиқлар натижасида маҳсулот таннархи янада оширилишига олиб келинади. Бу қўшилган қиймат омили бўлиб маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатади, чунки маҳсулотнинг харидорларга етиб боргунича барча харажатлар қўшилиб борилади (3-расм).



**3-расм. Қўшилган қиймат тузилиши<sup>12</sup>**

Қўшилган қийматга ҳалигача яхлит назарий ва методологик ёндашувлар мавжуд эмас. Олимларнинг назарий қарашларида қўшилган қиймат корхонанинг ишлаб чиқариш омиллари учун тўловларидан ташқари корхона эгасининг умумий даромади сифатида таърифланган. Қўшилган қиймат категорияси моҳиятига молиявий томондан қаралганда, унинг асосий моҳияти ишлаб чиқариш харажатлари ва нарх ўртасидаги фойданинг нисбатларда ўзгаришини ўрганишдан иборат.

Республикада фармацевтика саноати ривожланиш жараёнида бўлиб, шунга кўра дори-дармон воситалари катта ҳажмда импорт қилинади. Фармацевтика соҳасида дори воситаларининг то харидорига етиб келгунигача бўлган жараёнларда улар нархи қўшилган қиймат эвазига анча қимматлашади. Бунда сотиш харажатларидан ташқари яна хом ашё танқислиги кузатилган вазиятларда маҳсулот таннархининг кескин ошишига олиб келади. Шу билан бирга аҳоли саломатлигининг пасайиши, касалликлар сонининг ортиб, ҳозирги кундаги аҳоли ижтимоий турмуш тарзи кескин ёмонлашувининг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони. ПФ-5468-сон. 29.06.2018 йил.

<sup>12</sup> Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини янада фаоллаштириб, маҳаллий хом ашёлардан фармацевтика саноатида фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, рақобатбардошлигининг таъминланишига ва фармацевтика соҳаси маҳсулотларини импорт ва экспорти бўйича қоидаларни тартиблаштириш ушбу соҳа маҳсулотларининг таннархига ижобий таъсирини кўрсатади.

Маҳсулот таннархига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига амортизация ажратмаларини ҳам келтириб ўтишимиз мумкин. Акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш харажатлари кўрсаткичлари таҳлили харажатларнинг сезиларли даражаси амортизация ажратмаларига тўғри келишини кўрсатади.

Амортизация ажратмасининг анъанавий тушунчасига кўра корхона асосий воситаларининг қийматини босқичма-босқич якуний маҳсулот қийматига киритиб бориш жараёни тушунилган, шунга кўра амортизация ажратмасини ҳисоблаш усулини соҳага мос танлаш лозим.

Амортизация ажратмасини шакллантириб бориш корхона капиталининг активларни қўшилиб боришидан қатъи назар ўзгаришсиз қолишига эга бўлиш учун зарур ҳисобланади.

Корхона маҳсулоти таннархига таъсир қилувчи омилларни бошқариш рақобат майдонида нафақат унинг нархининг пасайишидаги афзаллигига, балки сифатининг ҳам яхшиланишига замин яратишда асос бўлади. Диссертацияда фармацевтика саноати соҳасининг бозор иқтисодиёти шароитига ўтишида рақобат муҳитини шакллантиришга эътибор қаратилган.

Бизнинг фикримизча, рақобат – бу корхонани ҳаракатлантирувчи куч, қайсики янги инновацион ғояларни ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи техника ва технологияларни модернизациялашни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга ундовчи восита, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатларни пасайтириш ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминласа, рақобат муҳити эса мураккаб жараён бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг харидорлар, таъминотчилар, ҳамкорлар ва бозордаги мукамал муҳитга эга бўлиш учун кураш ҳисобланади<sup>13</sup>.

Фармацевтика ҳам бошқа соҳалар каби халқнинг етарли даражада соғлиғини сақлашини кўллаб-қувватлаш мақсадида ва мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий хавфсизлигини таъминлаш учун дори-дармон билан таъминлашда давлатнинг стратегик аҳамиятига эга соҳаси ҳисобланади. Фармацевтика соҳаси модернизация ва инновацияни талаб қилиши, патентлаштиришда монополь ҳукмронликга эгаллиги, паст нархнинг эгилувчанлиги соҳага киришда катта тўсиқларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Фармацевтика ва жаҳон амалиётини ўрганган ҳолда ҳамда харажатларни пасайтириш мақсадида кўп қиррали рақобатдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш мумкин. Бунинг учун лицензиялаш, дори воситалари портфели ва корпоратив бирга ишлаш даражаларида меъёрлар қабул қилиниши зарур.

---

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Иқтисодиётнинг янги босқичига ўтиши билан акциядорлик жамиятлар бошқарув механизмини, яъни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ҳам ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Иқтисодиёт фанида асосан бозор ва хўжалик юритувчи субъектларни бошқарув фаолиятини самарали ташкил қилишда унинг учта асосий турини ўрганиш лозим: бозор механизми, бошқариш механизми, бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Уларни назарий жиҳатдан ҳисоблаб тадқиқотда ушбу тушунчаларга ўз фикримизни беришга ҳаракат қилдик.

Бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бошқариш механизмидан фарқли ўлароқ ташкилий ва иқтисодий кўрсаткичлар воситаларини ривожлантириб, унинг асосида бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилади.

Мамлакатимизда йирик саноат корхоналари қаторида акциядорлик жамиятлари бошқарувини ташкилий тузилиши ва иқтисодиётга ҳиссаси билан алоҳида аҳамиятга эга. «Қорақалпоқбой» АЖнинг ташкилий тузилмаси муаллиф томонидан таклиф этилган (6-расм).




**4-расм. «Қорақалпоқбой» АЖни бошқаришнинг таклиф этилаётган ташкилий тузилмаси<sup>14</sup>**

Акциядорлик жамиятлар харажатларини бошқариш механизмида харажатларни бошқариш усуллари хилма-хил ва ўз афзалликларига эга бўлиб, уларнинг оптимал вариантларини танлаш акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали бошқаришга боғлиқ.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, харажатларни бошқариш механизми самарадорлиги менежментнинг башорат қилиш, режалаштириш,

<sup>14</sup> «Қорақалпоқбой» АЖнинг маълумоти асосида муаллиф ишланмаси.

ташкил этиш, ҳисоб, тартибга солиш ва назорат функцияларидан таркиб топиб, унинг самарадорлигига қаратилади (5-расм).



5-расм. Харажатларни бошқариш механизми<sup>15</sup>

Диссертациянинг «Акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари» деб номланган учинчи бобида акциядорлик жамиятлари харажатлари ва рентабеллигини моделлаштириш орқали самарадорликни ошириш имкониятларини аниқлаш, акциядорлик жамиятлари харажатларини бошқариш самарадорлигини ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш, харажатларни самарали бошқариш стратегиясини такомиллаштириш ва бошқа масалалар тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижалари бўйича хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг самарадорлиги ресурсларни самарали бошқариш орқали баҳоланганлиги туфайли бошқаришнинг барча тизимида харажатлар тўғрисидаги ахборотлар асос бўлиб хизмат қилади.

Амалиётдан маълумки, маҳсулот таннархини тўғри баҳоламасдан акциядорлик жамиятини самарали бошқариб бўлмайди. Айнан маҳсулот таннархи кўрсаткичида акциядорлик жамиятининг барча ишлаб чиқариш ва молиявий томонлари акс этирилади. Маҳсулот таннархи даражаси фойда ҳажми ва акциядорлик жамияти рентабеллик кўрсаткичлари билан боғлиқ. Маҳсулот таннархини бошқаришда унинг ҳажмини янада аниқроқ аниқлашга ёндашувни кучайтириш лозим. Ушбу маълумотларни маҳсулот таннархини оптималлаштиришни иқтисодий-математик моделлаштириш йўли ёрдамида ҳосил қилиш мумкин. Оптималлаштириш тамойили умумий, универсал маънога эга бўлиб, акциядорлик жамият ресурсларини ташкиллаштириш ва иқтисодий жараёнларни такомиллаштириш, шу билан бирга ижтимоий-

<sup>15</sup> Муаллиф ишланмаси.

иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкилий шаклини яхшилашни ҳам ўз ичига олади<sup>16</sup>.

Акциядорлик жамияти харажатларининг асосий кўрсаткичлари қаторида маҳсулот таннархи кўрсаткичи муҳим ҳисобланиб, уни бошқаришнинг мақсади харажатларни пасайтириб, фойда ҳажмини оширишдан иборат. Шу сабабли фойда ва харажат ўртасидаги боғлиқликда фойда – натижа, унга таъсир қилувчи омил эса харажат деб қаралиб, тўғри чизиқли тенглама кўринишида куйидаги формула билан ифодаланилади:

$$y_x = a_0 - a_1x \quad (7)$$

$$a_0 = \frac{\sum y \sum x^2 - \sum x \sum xy}{N \sum x^2 - (\sum x)^2} \quad (1)$$

$$a_1 = \frac{N \sum xy - \sum x \sum y}{N \sum x^2 - (\sum x)^2} \quad (2)$$

Бу ерда,  $y_x$  – фойда,  $a_0$  – даромад,  $a_1$  – маҳсулот таннархи коэффиценти,  $N$  – йиллар сони,  $x$  – харажатлар.

Иқтисодий муносабат ўртасидаги боғланишларнинг назарий жиҳатдан функционал ва корреляцион боғланишлар турлари мавжуд бўлиб, харажат ва фойда ўртасидаги боғлиқлик корреляцион боғланишлар бўлиб, сабаби унда омилларнинг ҳар бир қийматига турли замон ва макон шароитларида натижанинг ҳар хил қийматлари мос келади. Бу ҳолда омиллар тўлиқ сони номаълум бўлади.

Корреляцион боғланишни регрессион таҳлили орқали модификациялаштириш мумкин.

$$y_x = 641,368 - 0,452x$$

Демак, бир бирлик маҳсулот таннархининг ўзгариши 0,452 сўм/бирликка фойдани оширади, яъни ишлаб чиқариш таннархини камайтиради, назарий жиҳатдан эса 641,368 сўм/бирлик ўртача даромад олинади. Худди ушбу модел ёрдамида иш ҳақининг ўзгариши меҳнат унумдорлигига таъсири ўртасидаги боғлиқликни аниқлаб, моделлаштириш мумкин.

Келажакдаги ишлаб чиқариш ва фойда ҳажмини режалаштирадиган бўлсак, ушбу моделга акциядорлик жамиятининг базис йилдаги маълумотларидан ва аввалги йил кўрсаткичларидан келиб чиқиб, маҳсулот таннархининг прогноз кўрсаткичларини қўйиш орқали фойданинг прогноз кўрсаткичига эришилади (3-жадвал).

Харажатларни самарали ташкил этишда ишлаб чиқариш ҳажмини оптимал ташкил қилиш масаласи туради, бунда режалаштирилган ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми имкониятлардан келиб чиққан ҳолда кам харажат сарф қилишга эришиш мумкинлигини прогноз қилиш муҳим саналади. Бунинг учун

<sup>16</sup> Иванова О.Е. Учет на предприятиях малого бизнеса. Учебник. М.: РИОР:ИНФРА-М 2018. 172 стр.

Лагранж усули ёрдамида харажатларни минималлаштириш масаласини кўриб ўтамиз.

3-жадвал.

«Қорақалпоқбойн» АЖнинг 2020-2024 йилларда фойданинг  
прогноз ҳажми

Йиллар	Таннарх, минг сўм	Ҳажм, тн	Бир бирлик маҳсулот фойдаси, минг сўм	Фойда, минг сўм
2020	1091	2020	148	298693
2021	1080	2040	153	311794
2022	1069	2060	158	325093
2023	1058	2081	163	338754
2024	1047	2102	168	352623

